

MEZON

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги қувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

“ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 12 (467)
 2006 йил
 28 март
 сешанба

ХОСИЯТЛИ ВАТАН ГЎШАСИ

Мустақиллик шарофати билан миллий қадриятларимиз юксак даражада эъзозланаётгани, ўзлигимизни англаётганимиз ҳар биримизнинг қалбимизда юксак фахр-ифтихор туйғуларини камол топтираётди. Мамлакатимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, маданиятимиз ва тенгсиз қадриятларимизнинг асрлар оша ривож топишида кўҳна ва ҳамisha навқирон шаҳарларимизнинг тарихимиздаги ўрни ва аҳамияти гоятда улкан.



Она заманимизнинг шон-шухратини оламга ёлган бу қутлуғ масканлар нафақат миллий маданиятимиз, давлатчилигимиз анъаналари маркази, балки жаҳон цивилизациясининг қадимий бешикларини сифатида ҳам эътиборга лойиқдир. Айни пайтда 2700 йиллигини кенг нишонлашга жиддий ҳозирлик қириляётган Қарши шаҳри ана шундан муътабар гўшаларимиздан бири саналади. Бугунги кунда ўзининг катта тўйига тайёргарлик кўраётган Қарши шаҳри улкан бунёдкорлик майдонида айланган. Шаҳарнинг буюк соҳибқирон Амир Темур номи билан аталуви бош кўчаси янада кенгайтирилди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта таъмирланиб, улкан кўл ва фавворалар бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, Қарши шаҳри бугун қайта чирой очиб, гуллаб-яшнамоқда.

Дарҳақиқат, Насаф номи билан машҳур бу шаҳарда аждодларимиз озод ва маъмур ҳаёт кечиришган. Табиий жўғрофий жиҳатдан қулай ҳудудда жойлашгани, Буюк Ипак йўлининг марказий шаҳарларидан бўлгани боис, бу манзилда чорвачилик, зиораatchилик, хунармандчилик барқ уриб ривожланган.

Қарши шаҳри ўзининг кўҳна тарихи давомида жуда кўп воқеаларга гувоҳ. Утган асрлар мобайнида шаҳар неча бор вайрон этилиб, неча бор қад ростилади. Соҳибқирон Амир Темур 1370 йил Амир Хусайн устидан узил-кесил ғалабага эришгач, биринчи навбатда Шаҳрисабзни тиклаш, вилоятнинг иккинчи муҳташам шаҳри Қаршини обод қилишга киришган эди. Мустаҳкам қалъа барпо этилиб, катта ариқлар орқали Қашқадарё сувини шаҳарга олиб келди, шаҳар атрофи темирйўллар давлати анъанасига хос бўлган кўркам боғ-роғлар билан бурканди.

Соҳибқирон Амир Темур қачонки ҳарб сафарига отланмасин, 200 минглик қўшинини Қарши атрофида жамлар, унга тартиб бериб, черикнинг жанг ржаларини шу жойда тузар ва буюк лашкарбошининг Қаршидан бошланган юришлари ҳамisha зафар билан яқунланарди. Шу боисдан ҳам, Амир Темур Қарши шаҳрини хосиятли ватан гўшаси билиб, унга ихлоси балан бўлган.

Мустақиллик яратган имкониятлар тўғрисида Президентимиз фармонлари билан улуг алломуларимиз, азиз-авлиёлари-миз номлари, мақбаралари тикланди. Қадимий шаҳарларимизнинг қутлуғ саналари нишонланди, миллий қадриятлар қайта юз очди. Айни кунларда биз Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини байрам қилиш арафасида турибмиз.

— Ушбу сана муносабати билан шаҳарда олиб бориляётган кенг бунёдкорлик ишлари, қуриляётган янги-янги муҳташам иморату иншоотларни кўриб кўз қувонади. Қадимий маддирас, мачит, сардобалар қайта таъмирланди. Шундай лажзалада мен Президентимиз Ислам Каримов Қашқадарё иш-

Xabar

Жорий йилнинг 24 март куни Ўзбекистон Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида депутатлар, сенаторлар, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, юридик таълим муассасалари ходимлари иштирокида “Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги: назария ва амалиёт масалалари” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

СИФАТЛИ ҚОНУН КАФОЛАТИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур институт ҳозирга қадар мамлакатимиз Конституциясининг меъёр ва қоидалари тўлиқ рўйбга чиқарилиши ҳамда уларнинг қўлланиши, шунингдек, қабул қилинаётган қонун ҳужжатларида ҳуқуқий меъёрларнинг ўзаро боғланиши, комплекслиги ва уйғунлиги юзасидан мониторинг ўтказиш борасида муайян тажриба тўплади. Жумладан, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идоралари тўғрисида”ги қонунлар ва уларни қўллаш амалиётининг мониторинги ўтказилди. Бундан ташқари, институт томонидан қонун лойиҳаларига асосланган эксперт баҳолари берилди ва юздан ортиқ ҳуқуқий хулосалар тайёрланди.

Семинарда қонунчилик мониторингини амалга ошириш масалалари кенг муҳокама этилди. Қизгин баҳс-мунозара-

лардан сўнг иштирокчилар томонидан илмий ва амалий аҳамиятга эга тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан, амалдаги қонун ҳужжатларини мониторинги соҳасида Олий Мажлис палаталари, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар, Ўзбекистон Республикаси Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқа фаолиятини мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини аниқлаш зарурати тўғрисида тақлиф илгари сурилди. Ҳуқуқшунос олимларга амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги соҳасида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш тақлиф этилди.

Семинар иштирокчилари томонидан қонун ҳужжатлари мониторингини имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга муваффақлаш умумий вафодасига эътибор қилинди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимининг тубдан ислоҳ этилиши адвокатура соҳасида ҳам муҳим аҳамият касб этди. Адвокатларнинг ваколатларини мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган “Адвокатура тўғрисида”ги, “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги каби қонунлар, қарор ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

АДВОКАТ ШАХСИ ДАХЛСИЗ

Адвокатлар, фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, уларни ижтимоий-қасбий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бу борада вужудга келаятган муаммоларни ҳал этиш бўйича кўпалар муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Адлия вазирининг 2005 йил 8 июндаги “Адвокатура фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғида адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг

фойдаланиши ва бошқа чора-тадбирлар кўриш тўғрисида ҳудудий адлия бошқармаларига кўрсатмалар берилганини мисол сифатида келтириш мумкин.

2006 йил 7 февралда Республика Конституциявий Суди томонидан “Адвокатура тўғрисида”ги қонун-

нинг 10-моддаси, тўртинчи қисмига ва “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддаси, бешинчи қисмига берилган шарҳлар ҳақида қабул қилган қарор ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қарорга биноан, юридик ёрдам кўрсатаётгани муносабати билан адвокатни жавобгарликка, яъни жиноий, фуқаролик, маъмурий, интизо-

Islohatlar samarasi

мий ва моддий жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан кўрқитиш мумкин эмас.

Адвокатнинг фуқаро ва юридик шахсларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар ва тушунтиришлар, қонун ҳужжатлари юзасидан озғачи ва ёзма маълумотлар бериш, ҳуқуқий мазмундаги аризалар, шикоятлар ва бошқа ҳужжатларни тузиш, суд ва бошқа давлат идораларида, юридик ва жисмоний шахслар олдига вакилликни амалга ошириш, жиноий ишлар бўйича дастлабки тергов ва судда қимоячи, жабранувчи, фуқаровий даввогар ва фуқаровий жавобгар вакили сифатида иштирок этиши, тадбиркорлик фаолиятига юридик хизмат кўрсатишда намоён бўлади.

(Давоми учинчи бетда)

НОХОЛИС ЁНДАШУВ

Ўтган йилнинг декабр ойида, янада аниқроқ айтганда, 25 декабрь куни Ўйчи тумани Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигида фермер хўжаликларини ташкил этиш бўйича тендер танлови бўлиб ўтди. Мазкур танловга қўйилган иккинчи лойиҳадаги 60,6 гектар ер майдонида фермер хўжалигини ташкил этиш мақсадида беш нафар фуқаро талабгор сифатида ариза берган эди.

Қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари томонидан У.Ҳабибуллаев, О.Юсуфжонов, Е.Қосимова, М.Бадалов ҳамда К.Мамажоновнинг тақдим қилинган ҳужжатлар тўплами мазмунан ўрганиб чиқилди. Танловнинг биринчи босқичига кўра, талабгорлар Қаримжон Мамажоновга 50 балл, Олимжон Юсуфжоновга 52 балл, Ёқутхон Қосимовага 54 балл, Мамутжон Бадаловга 55 балл ва Уктажон Ҳабибуллаевга 52 балл берилди.

Бир қарашда, тендер танлови холис рақобат асосида ўтказилгандек туюлади. Аммо қўйилганда биринчи босқичда 52 балл тўплашга эришган У.Ҳабибуллаев танловнинг кейинги босқичида иштирок этишдан воз кечди ва ўз мазодини қайтариб олди.

Ушбу, У.Ҳабибуллаев нега танловнинг кейинги босқичида иштирок этишдан воз кечди? Ахир, унинг имконияти бошқаларникидан кам эмасди-ку?

Келинг, шу ўринда бу саволларни очиб қолдириб, тендер танловининг кейинги босқичи қандай ўтгани ҳақида фикр юри-тайлик.

Хуллас, танловнинг ҳал қилув босқичи натижаларига кўра, К.Мамажонов 7,5 балл (жами 57,5 балл), О.Юсуфжонов 7 балл (жами 59 балл), Е.Қосимова 9 балл (жами 63 балл), М.Бадалов 8,8 балл (жами 63,8 балл) олинди. Энг кўп балл тўплаган Мамутжон Бадалов қайта ташкил этиш комиссияси томонидан “ғолиб” деб эътироф этилди ва 58,3 гектар экин майдонининг 45,4 гектари унга берилди деган бўлди. Қолган 13,5 гектар ер майдонини эса иккинчи лойиҳа бўйича иштирок этган К.Мамажоновга беришни лозим топишди.

Бироқ қайта ташкил этиш комиссиясининг бундай хулосага келиши яна бир талабгорда норозилик кайфиятини уйғ-

отди. Яъни танловнинг яқини натижасига кўра, 59 балл тўплаган О.Юсуфжонов ўзининг эътирозини яшириб ўтирмади. У бу ҳақда юқори ташкилотларга мурожаат қилишини айтди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: қўш, О.Юсуфжонов қайта ташкил этиш комиссиясининг ишидан нега норози бўлди?

Ҳамма гап шундаки, қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари иккинчи лойиҳа бўйича ўтказилган танловда талабгорларга балл қўйишда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2005 йил 18 ноябрдаги 237а-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2005 йил 19 ноябрда рўйхатга олинган “Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларини қўпол равишда бузишган.

Аниқроқ айтганда, қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари М.Бадаловга балл беришда ноҳосликка йўл қўйишган. Яъни талабгорнинг дипломи бўйича маълумоти ўрта махсус бўлгани ҳолда унга 7 балл ўрнига 8 балл берилган. Ваҳоланки, юқорида қайд этилган Низомнинг 2-иловасида ўрта махсус маълумот учун 7 балл берилиши тавсия этилган. Бундан ташқари М.Бадалов тақдим этган иккита техника воситаларининг техник паспортларида техник қўриқдан ўтганлиги тўғрисида белги қўйилмаган. Бироқ тугатиш комиссияси аъзолари бу борада ҳам талабгорни қўлаб, унинг фойдасига 15 балл ёзиб қўйишган.

Улар бу билан Низомнинг 20 “г”-банди 1-қисмидаги “Техника воситаларини баҳолашда фақатгина техник паспортдаги техник қўриқдан ўтганлиги тўғрисидаги белги мавжуд бўлган техника воситаларига инобатга олинади”, деган қоидадан эътибордан четда қолдирган.

(Давоми иккинчи бетда)

ЕРИ БОЙНИНГ ЭЛИ БОЙ

Ёр — миллий бойлигимиз. Бу ибора бежиз айтилмаган. Чунки тирикчилигимиз, яшаш шароитимиз, ҳаётимиз гўзаллиги, турмушимиз фаровонлиги айнан мана шу она заманимизнинг саховати тўғрисида.

Аслида ер ҳам тирик жон. У ҳамisha ҳақиқий дехқон меҳрига, парваршига эҳтиёж сезади. Чин маънода қўли кетмонда қабарган, ер билан тиллаша оладиган дехқонгина бунга яхши тушунади.

Бугунги кунда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, қишлоқда мулкдорлар тоифасини шакллантиришга катта эътибор берилаяпти. Ана шу ислохотларнинг натижаси ўлароқ, фермерлар қисқа муддатда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида етакчи кучга айланди. Қолаверса, ҳақиқий фермер нималарга қодир эканлигини ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди.

Наваҳор туман маркази — Бешрабод кўргони билан туташ ҳудудда “Фаллакор” фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Уни тадбиркор аёл Гулчехра Ҳалимова бошқаради. Хўжаликда ўтган йили 30 гектар майдонда пахта, 3 гектар-

га фалла ва 5 гектар ерга озуқабоп экинлар экилди. Пахта ҳосилдорлиги гектарига 40 центнерга етказилиб, давлатга 114 тонна юқори сифатли хомашё топширилди. Фалланинг ҳар гектаридан 50 центнердан, жами 147 тонна сара дон етиштирилиб, шунинг 67 тоннаси давлатга сотилди. Табиийки, 80 тонна фалла

— “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”ни янги куч-ғайрат билан бошладик, — дейди Гулчехра опа, — юқори “Бешрабод” маҳалла гузарини қуришни бошладик. Гузарда маҳалла идораси, тижоратчилик, пойфазал, телерадио таъмирлаш устaxonаси, сартарош-

Tahlil va saboq

хона, чойхона, савдо дўконлари фаолият кўрсатади. Гузар қурилиши Мустақиллик байрамининг 15 йиллик тантаналарида ишга туширилиши режалаштирилган.

Дарвоқе, фермернинг кайфияти аъло: Ишлари юришяпти. Чунки ҳеч кимдан қарзи йўқ. Хўжалиги 2005 йилда яхшигина даромад олди. Иччилар ҳам ойма-ой маошларини олиб туришибди.

Янги дехқончилик йили учун мавжуд еттига трактор ва бошқа техникалар ёрдамида далалар баҳорги экиш мавсумига ҳозирлаб қўйилган. Далага 100 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит чиқарилиб, ариқ бўйларига минг туп тут қўчалари ўтказилди.

(Давоми иккинчи бетда)

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Ислом Каримов вилоятга раҳбарлик қилган йилларида жуда кўп бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Истиқлолга эришганимиздан кейин Ўзбекистонда олиб борилаётган бетимсол бунёдкорликлар режасидан Қарши шаҳри ҳам муносиб ўрин олди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,1 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 14,7 фоизга, капитал маблағлар ўзлаштирилиши соҳаси-

га топширилди. Айтиш мумкин 200 дан ортик қурилиш объектларида бунёдкорлик ишлари жадал олиб бориляпти.

Қаршиликлар катта тўй арафасида "Қаршини обод, гўзал ва юк-

киндик қони тўқилган юрти бор. Биласиз, менинг шундай шеврим бор. "Қарши кўшиги" деган. Куйи-

ган шаҳри, Навоий ҳазратлари, Мирзо Бобур назари тушган кентни, қолаверса, киндик қонингиз тўқилган юртни севмай бўладими?!

Қарши-ку, ҳамшаҳарларимиз таъкидлашганидай, мухташамликда Президентимиз орзу қилган қиёфага кириб бормоқда. Вилоятнинг бошқа шаҳар-қишлоқлари-чи? Уларда ҳам мисли қурилмаган бунёдкорлик, улкан қурилишлар, ўзгаришлар юз кўрсатаётди. Шаҳрисабзани, Китобни, Яққабону Ғузорни олинг. Бу шаҳарларни ҳам ўн ўн беш йил олдин қўрган одам бугун танимайди.

Узоққа бормай, Қаршига "тегиб турган" бизнинг Неқўз қишлоғини олинг. Мен бир пайтлар ўзим ўқиган паҳса деворли мактаб ҳақида ёзгандим. Бор-йўғи бир қулба вайрона, ертўласифат иморат синфхонамиз бўлиб, унда биринчи, иккинчи, учинчи синф болалари баравар бир муаллимдан сабоқ олганмиз. Бугун қишлоқда қад ростлаган қўшқаватли оппоқ қошонани ўша мен ўқиган "мактаб"та қиёслаб бўладими? Барча ўқув жиҳозлари мавжуд, спорт зали, химия, физика хоналари дунёнинг илгор ўқув масканларидай компьютерлаштирилган. Унда билли олаётган бугунги зурриётлар бу нечоғлик катта бахти, муқтадирлик меваси эканини билишармикин? Унинг қадрига етишармикин? Гап ана шунда...

Қадимий Насаф — навқирон Қарши янгидан бунёд бўлмоқда. Кўз ўнгингизда замонавий, муқташам шаҳар қад ростламоқда. Равон йўллар, кўркам хиёбону бог-роғлар, маданий-маиший бинолар, барча шароитлари муқайё бозору савдо марказлари, ўзбекининг ўзалигини намоён қилувчи Махалла маркази, Муқтадирлик майдонига амалга оширилётган залворли ишлар киши диққатини ўзига тортади. Эски мақти мадрасалар, сардобаю карвонсаройлар замонавий қиёфа касб этмоқда. Ўзининг катта тўйига эрр ғайрат ва шижоат билан ҳозирлик қўраётган Ватанимизнинг бу ҳосиятли гўшаси бугун XXI аср нафаси билан яшамоқда.

Махмуд САТТОРОВ

Muloqot

РЕКЛАМА МАСЪУЛИЯТ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг барча турларида реклама ва эълонлар мунтазам равишда берилётганини кўриш мумкин. Албатта, бунинг ёмон томони йўқ. Бироқ баъзан реклама беришдаги қалқашликлар ҳақида эшитиб қоламан. Айтишгичи, нотўғри реклама тарқатгани учун ташкилот ёки реклама берувчи шахс жавобгарликка тортиладими?

Ислом ҚУДРАТОВ, С. Раҳимов тумани

— Албатта, қонунларимизда шундай жавобгарлик белгиланган. Мисол учун "Маммурий жавобгарлик тўғрисида"ги қонуннинг 178-моддасида реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маммурий жавобгарлик қўлланиш кайд этилган. Ушбу моддада мувофиқ, рекламага тааллуқли маълумотларни ваколатли давлат идорасига белгиланган муддатда тақдим этмаслик, шунингдек, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини тугатиш ҳақидаги қўрсатмаларни ўз муддатда бажармаслик — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Нотўғри реклама бериш, ташқи рекламани жойлаштириш тартибига риоя этмаслик ёки аксил-реклама беришдан бош тортиш — энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

БОЖХОНА КЎРИГИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Яқинда қўшни республикалардан бирнга саёҳатга борганимда, турмуш ўртоғимга совға сифатида тикув машинаси ва дазвол сотиб олдим. Йўлда келаётганимда бир неча постларда буюмларни текширишди. Айтишгичи, товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш қандай тартибда амалга оширилади? Қандай ҳолларда товар эгасининг иштирокисиз текширув ўтказилади?

Ўткир АБДУСАМADOV, ўқитувчи

— Товарлар ва транспорт воситаларини божхона кўригидан ўтказиш товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишининг қонунийлигини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, бож солиқлар, йиғимлар олиш, шунингдек, олиб кириш, олиб чиқиш ва транзит қилиш таъқиқланган товарлар божхона чегараси орқали ҳамда божхона ҳудудида транзит — тартибда ўтишининг олдини олиш учун божхона мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Божхона кодексининг 44-моддасида шахсларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари кайд этилган. Шунга кўра товарлар ва транспорт воситалари эгалари товар ва транспорт воситаларини кўздан кечириш пайтида ҳозир бўлишга ҳақлидир, божхона органлари мансабдор шахсларнинг талабига кўра, текшириш пайтида ҳозир бўлишлари ва бошқа органларнинг мансабдор шахсларига зарур ёрдам кўрсатиши шарт.

Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга шахс бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс, деб топилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс, деб топилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс, деб топилади. Товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ваколатларга эга бўлмаган тақдирда, транспорт воситасини бошқарувчи шахс божхона мақсадлари учун ваколатли шахс, деб топилади.

ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОСИ

БИЛАН ТУЗИЛГАН НИКОҲ У ҚАНДАЙ БЕКОР ҚИЛИНАДИ?

Мен тақдир тақозоси билан бундан бир неча йил муқаддам чет эл фуқаросига турмушда чиққан эдим. Кейинчалик айрим сабабларга кўра, оилавий муносабатларимизга дарз кетди. Ҳозир турмуш ўртоғим никоҳни бекор қилиш ниятида. Чет эл фуқароси билан никоҳдан ажратилиш тартиби қандай амалга оширилади? Илтимос, шу ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

В. АБЗАМОВА, Самарқанд шаҳри

— Оила кодексининг 236-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давллат фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролари бўлмаган аҳоли билан никоҳдан ажратилиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажратилиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролари бўлмаган аҳоли билан никоҳдан ажратилиш мумкин бўлган ҳолларда бундай никоҳдан ажратилиш Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналарида ёки консуллик муассасаларида амалга оширилиши мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

ХОСИЯТЛИ ВАТАН ГЎШАСИ



да 2,9 мартага, чакана савдо ойланими 1,0 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 24,3 фоизга, маиший хизмат кўрсатиш соҳасида 62,5 фоизга ўсиш кайд этилди.

Ўзбекистонимизда анъанага айланган «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақаларига бу йил Қаршида старт берилди. Унинг изидан 2700 йиллик юбилей тантаналари бошланади.

Шаҳар иқтисодиётига чет эл сармоялари ва технологияларини киритиш соҳасида ҳам ишлар амалга оширилди.

«Дунё-М» акциядорлик жамиятига 406 минг АҚШ доллари миқдорда технология олиб келиб ўрнатилди. Устав жамғармаси 540,7 минг АҚШ доллари тенг «Барон текстил» Туркия ва Ўзбекистон қўшма корхонаси ташкил этилди.

Шаҳарда 28 минг 700 квадрат метр янги тартибдаги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ўтган йилда 28,9 км газ, 23,4 км сув тармоқлари қуриб битказилди. Айтиш мумкин шаҳарда аҳоли газ билан 98,3 фоизга, ичмалик суви билан 93,7 фоизга таъминланмоқда.

«Наврўз» байрами кўнлари Қаршида 100 дан ортик турли инфратузилма нишоотлари фойдаланиш-

сак маданиятли шаҳарга айлантирамиз» широри остида шижоат билан меҳнат қилишяпти.

Халқнинг бир тан, бир жон бўлиб қилаётган фидокорона меҳнати, ҳашарлар тўғрисида Қарши шаҳрининг қиёфаси кундан-кун табиқ бўлмас даражада ўзгариб бормоқда. Қисқа вақт ичида барпо этилган боғлар, хиёбонлар, кенг ва равшан кўчалар, муқташам бинолар шаҳар кўригига кўрк бағишлаётди.

— Ўзбекистон — умумий ўйимиз, — дейди Ўзбекистон Қарамони, сенатор Абдулла Орипов. — Президентимиз айтганларидай, шу муқаддас Ватан — барчамизники. Бирок ҳар кимнинг ҳам она Ватани,

даги мисралар ўшандан: Мен шу қўллар қўйида туғилиб, топдим камол, Кўкна сардобаларда кўмилиб қолди дардим. Лекин нар арслондан сўт талла қилган мисол, Олис шаҳар, тоғлардан илҳомини ахтардим.

Қаршининг тобора қиёра очиб, гуллаб-яшнаб бораётгани кўплар катори мени ҳам хурсанд қилади, албатта. Юзлаб аллома Насафийлар ватани, соҳибқироннинг сев-

ЕРИ БОЙНИНГ ЭЛИ БОЙ



(Давоми. Боши биринчи бетда)
Аммо ҳамма фермерлар ҳам Ғулчехра опадек урдадор, ишбилармон эмас. Масалан, тумандаги Соаткул Жўраев номидаги фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган Карим Равшанов раҳбарлик қилаётган «Муҳаммад

Равшан» фермер хўжалигида ишлар юқорида тилга олинган хўжалиқнинг бутунлай акси. Бу хўжалиқнинг ҳам 83 гектар ер майдони бор. Улар ўтган йили 46,8 гектарга пахта, 36,1 гектар ерга галла ҳудудида жойлашган Карим Равшанов раҳбарлик қилаётган «Муҳаммад

мё» худудий акциядорлик жамиятининг Навбахор тумани филиали фермерга 27 тонна аммиакли селитра, 25 тонна карбонид ва 11 тонна фосфорли ўғит етказиб берганди. Лекин фермер бундай имкониятга яраша жавоб бермади. Аслида ҳар иккала тараф 2004 йилнинг

16 ноябр куни минерал ўғит ва кимёвий воситалар билан таъминлаш ва агрокимё хизмати кўрсатиш юзасидан шартнома имзолашганди. Орадан бир йилдан ортик вақт ўтса ҳамки, шартнома шартлари «истеъмоли» томонидан бажарилмади. Шартномага кўра, фермер олинган маҳсулот учун олдиндан 30 фоиз ҳақ тўлаб, маҳсулот ҳақининг қолган қисмини 60 кун ичида тўлиқ ҳисобитиб қилиши лозим бўлган ҳолда 14 миллион 50 минг сўмга яқин асосий қарзини ҳар хил сабаблар билан кечиктириб келган.

Шартноманинг 5,5-бандида берилган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат учун ўз вақтида ҳақини тўламаган тақдирда «истеъмоли» таъминотчи»га тўланмаган сумманинг 15 фоизи миқдорда жарима ва муддатга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг физи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак, деб кўрсатилган. «Муҳаммад Равшан» фермер хўжалиги шартнома шартларини бузиб,

вақтида кимётаъминот идорасига қарзини тўламаганлиги учун «Қишлоқхўжалиқим»нинг Навбахор тумани филиали мудири Ўткир Нормуродов вилоят адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Ҳозир вақтида адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Шу йилнинг 25 январ куни вилоят хўжалик суди судьяси Ш.Худойбердиев раислигида «Муҳаммад Равшан» фермер хўжалиги оид иш қўриб чиқилди. Суд жавобгар суд олдиндан даъвогарга қарийб 1,5 миллион сўмлик қарзини тўлаганини инобатга олиб, даъво талабини қисман қаноатлантирди. Жавобгар — «Муҳаммад Равшан» фермер хўжалигидан даъвогар — «Қишлоқхўжалиқим» худудий акционерлик жамиятининг Навбахор туман филиали фойдасига 13 миллион 31 минг 231 сўм асосий қарз ва почта харажатлари ундириш ҳақида қарор қабул қилди.

Афсуски, туманда «Муҳаммад Равшан» фермер хўжалигига ўшаган «Қишлоқхўжалиқим» акциядорлик жамия-

Tahlil va saboq

тидан қарздор хўжалиқлар сони кам эмас экан. «Аминжон Каримов», «Али-Вали», «Қаҳрабон», «Бобораҳим», «Анвар Қувондик», «Ун икки йулдуз», «Хончорбоғ», «Гулсанам-Нафиса» каби 21 та фермер хўжалиқлари қарздорлар сирасига кириди. Вилоят хўжалик суди қарори билан мазкур фермер хўжалиқлари ҳам жаримага тортилди. Халқимизда «лафз» деган ажойиб ибора бор. Кимки, лафзидан турса, айтган муддатда қарзини ўзса, ўшанинг иши доимо бароридан келаверади. Агар акси бўлса, бери-бири билан судлашиб, асаббузарлик билан кўнларини ўтказишади. «Олмоқнинг бермоғи бор», деган иборани ҳам кўп ишлатимиз. Бироқ юқорида номлари тилга олинган қарздор фермер хўжалиқлари бу иборанинг мазмун-моҳиятини унутганга ўхшаيدди. Акс ҳолда бундай иш тутмаган бўларди.

Сайёра ЖУМАНОВА, ҳуқуқшунос Ёрқул УМАРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Мамлакатимиз иқтисодига хорижий инвесторларни кенг жалб этиш, уларга енгиллик ва имтиёзлар бериш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу соҳага тааллуқли қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни талаб этади. Ана шу заруратдан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги 224-сонли қарори қабул қилинди.

ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРГА ЕНГИЛЛИК ИШОНЧ ВА ДАРОМАД ГАРОВИДИР

Мазкур қарорга мувофиқ эндиликда мамлакатимизга хорижий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестиция олиб киришини рағбатлантириш, уларнинг фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида хорижий инвестиция широткидаги барча корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридидаги маблағ ва 500 АҚШ долларига тенг давлат божи тўлайди. Бу эса тўлиқ хорижий инвесторлар томонидан шакллантириладиган корхоналар учун анча енгиллик яратди.

Шунингдек, хорижий инвесторлар иштирокидаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари қайси тилда тузилши масаласига ҳам аниқлик киритилди. Таъсис ҳужжатларининг бир хиллигини таъминлаш, бу борада палла-партишликка йўл қўймаслик учун мазкур қарорига асосан «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 11-банди ик-

кинчи хат бошида «таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган» сўзлари «давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган» сўзлари билан алмаштирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказувчи адлия идоралари билан жойлардаги ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилди. Аниқроқ айтганда, тадбиркорлик субъектининг қайта ташкил этилиши ёки бошқа сабаблар давлат рўйхатидан ўтказувчи идоранинг ўзгаришига олиб келса, тадбиркорлик субъектига давлат реестридан кўчирма бериш тартиби жорий этилди. Бу янгиллик ўз навабатида корхона фаолиятида рўй берадиган барча ўзгаришларнинг узвий кетма-кетликда қайд этилишини таъминлайди.

Илгарилари тадбиркорлик субъектининг қайта ташкил этилиши ёки бошқа сабаблар давлат рўйхатидан ўтказувчи идора-

Yangilik

нинг ўзгаришига олиб келса, тадбиркорлик субъекти биринчи давлат рўйхатидан ўтказган идорага ўзида мавжуд барча ҳужжатларнинг асл нусхаларини топшириб, давлат рўйхатидан чиқарилар ва корхонага тегишли барча таъсис ҳужжатлари архивга топширилар эди. Эндиликда эса тадбиркорлик субъектига тегишли таъсис ҳужжатларини бир бутун сақлаш ва узвий кетма-кетликини таъминлаш учун рўйхатга олиш амалиётига яна бир янгиллик жорий этилди. Бунга биноан тадбиркорлик субъектининг қайта ташкил этилиши ёки бошқа сабаблар давлат рўйхатидан ўтказувчи идоранинг ўзгаришига олиб келса, тадбиркорлик субъектига давлат реестридан кўчирма бериш тартиби жорий этилди. Бу янгиллик ўз навабатида корхона фаолиятида рўй берадиган барча ўзгаришларнинг узвий кетма-кетликда қайд этилишини таъминлайди.

Илгарилари тадбиркорлик субъектининг қайта ташкил этилиши ёки бошқа сабаблар давлат рўйхатидан ўтказувчи идора-

Dakki

НОХОЛИС ЁНДАШУВ

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Фақат шугина эмас, қайта ташкил этиш комиссияси аъзолари бошқа талабгорларнинг имкониятини баҳолашда ҳам бир қатор камчиликларга йўл қўйишган. Масалан, талабгор О.Юсуфжонов тақдим этган ҳужжатларга Низом талаблари асосида балл берилганида, унинг маълумоти (олий) 10 балл, мутахассислигига (олий) 10 балл, мутахассислигига (олий) 10 балл, мутахассислигига (олий) 9 балл, мол-мулкига 8 балл, шартнома шартлари бажарилганлигига (2005 йилда «Бобур» ширкат хўжалигидан давлатга галла, пахта, пилла етказиб бериш юзасидан тузилган контрактация шартномаларини бажарган) 6 балл, жами 57 баллини ташкил этади. Иккинчи бир талабгор Мамутжон Бадалов тақдим этган ҳужжатларга Низом талаблари асосида ёндашилганда эса унинг маълумоти (урта махсус) 7 балл, мутахассислиги (агрон) 9 балл, иш стажини 10 балл, мол-мулкига 6 балл, техника воситаларига 6 балл, шартнома шартлари бажарилганлигига 0 балл, жами 32 балдан ошмаслиги лозим эди.

Вилоят адлия бошқармаси юқорида қайд этилган камчиликларни инобатга олиб, Али-

шер Навоий номидаги ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан 2-лойиҳадаги 58,19 гектар ер майдони бўйича ўтказган танловни ноконунлиқ деб топди. Талабгор М.Бадаловни солиб деб топилган тўғрисидаги 12-сонли йиғилиш баънини, Уйчи тумани ҳокимининг 2005 йил 30 декабрдаги 334-сонли қарорини М.Бадалов ва К.Мамажоновга тегишли бўлган қисмини бекор қилиш ва танловни қайтадан ўтказиш ҳақида Уйчи тумани ҳокими номига тақдимнома киритди. Шу ўринда ўқувчиларда «хўш, ҳақиқат қарор топган экан, мақола ёзиш шартми?» — деган савол туғилиши мумкин. Қелинч, ҳулоса ўрнида юқоридаги саволга жавоб берайлик. Ушбу мақолаи ёзишдан мақсадимиз кимдир оқ ёки қора, дейиш эмас. Ақиб, иш жараёнида лоқайдлик, эътиборсизлик ёки нохилисликка йўл қўйиш, вақти келиб, ҳар қандай кишининг эл-юрт олдида юзини шувит қилиб қўйиши мумкин.

Илҳомжон ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос Маммурий МУСЛОНОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Давоми. Боши биринчи бетда

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, адвокатнинг касбий вазифасини амалга ошириши ўзини хос хусусиятларга эгадир. Бу хусусиятлардан бири шундан иборатки, қонун адвокатлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахсларнинг бирортасига, жумладан, олий юридик маълумотга эга бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья, суд ижро-чиси, адлия ходими, ҳуқуқшунос олим ва бошқалар зиммасига бевосита жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатлар бериш, шикоят ёхуд ариза ёзиш ва бошқа ҳужжатларни тузиш каби ҳуқуқий ёрдам кўрсатишининг турли-туман вазифаларини юклаган. Демак, адвокат ўз касбий фаолиятини амалга оширишда, жамиятнинг аъзо-си ва оддий фуқароси сифатида би-ринчи навбатда давлатимиз томони-дан фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини юксалти-ришга қаратилган сиёсатини рўбга чиқаришда фаол иштирокчи ҳисоб-ланади. Бинобарин, адвокатлик фа-олиятидаги кундалик юмушлар жа-мият аъзолари орасида ҳуқуқий би-лимлари тарғиб қилиш, мансабдор шахслар онгига Конституция ва қонунлар устуворлиги ҳоқиятини сингдириб боришни тақозо этади. Адвокатнинг ёрдамига муҳтож шахслар у билан мулоқотда бўлиш жараёнида ўзларининг конституци-

явий ҳуқуқ ва бурчлари мазмунидан хабардор бўлади, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун қайси қонун меъёрлари ва усуллари билан ҳимоя қилиниши мумкинлиги ҳақида маълум ҳуқуқий тушунчалар ҳосил қиладилар, муайян муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ҳоқияти билан танишади. Адвокатга муҳожат этгач, у билан мулоқотдан сўнг

адвокат айбланувчи ёки судланувчи қиммат қиладиган пайтда маз-кур жиноят иши бўйича жабрланув-чи деб топилган шахс ёки унинг манфаатини ҳимоя қилувчилар ад-вокатнинг ҳимоя қилувчилар ёки ми-жоздан воз кечишга ундаши мум-кин. Айрим фуқаролик ёки ҳўжалик ишларида вакил бўлиб қатнашаёт-

Islohatlar samarasi

бий фаолияти давлат ҳимоясига олинади. Бинобарин, адвокатнинг касбига оид ҳуқуқларнинг давлат идоралари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бузилиши қонунда белгиланган тартибда жа-вобгарликка сабаб бўлади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш, яъни ад-вокат олиб борган ишларга аралашш, унинг тур-ган ҳимоя позицияси юза-сидан унинг шахслар то-монидан жавобгарликка тортишга қаратилган бар-ча ҳаракатлар ёхуд ад-вокатнинг дахлсизлигини бузиш қонун меъёрлари-ни бузиш қонун меъёрлари-нинг қўпол равишда бузилган деб эътироф этилади. Ўз навбатида шун-дай ҳаракатларни амалга оширган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан қонун даражасида жавоб-гарлик қўлланилади.

АДВОКАТ ШАХСИ ДАХЛСИЗ

қисман бўлса-да, ҳуқуқий тушунча юзага келади. Демак, адвокатнинг ушбу йўналишдаги фаол фаолияти жамиятимиз айрим аъзоларини ҳуқуқий бефарқлик (нигилизм) кай-фиятидан қутқаради, уларнинг сиё-сий ва ҳуқуқий фаолигини ошира-ди.

Адвокат касбий фаолиятини амал-га оширар экан, унга ваколат бер-ган ёки ҳимоясида бўлган шахснинг манфаатларига қарама-қарши бўлган, яъни миқознинг рақиблари, унинг қариндош-уруғлари ёки ад-вокати, манфаатдор тарафдаги шах-слар билан учрашиш, изоҳ олиш, маълумот тўплаш ва бошқа қонуний усуллардан фойдаланишга тўғри кел-лади. Аммо баъзан амалиётда шун-дай вазиятлар ҳам юзага келадики,

ған адвокатни ўзига оғдириб олиш, адвокатлик сирини деб тан олинган маълумотларни олиш орқали унинг миқози манфаатларига путур етказ-увчи ҳаракатлар содир этилиши мумкин.

Давлат томонидан адвокатга бун-дай кафолатларнинг берилиши ад-вокатнинг мустақиллигини таъмин-ловчи асосий воситадир. Зеро, ад-вокат касбий вазифаларини амал-га ошириш учун бевосита ҳуқуқий муҳозафа қилувчи идоралар билан ишлашга, баъзи ҳолларда уларнинг манфаатлари, иш услубларига мос келмайдиган вазифаларни бажари-шга тўғри келади. Шу сабабли адвокатлик касбинин бажаришга нисбатан тўқинликлар юзага кел-маслиги учун адвокат ва унинг қас-

нинг қўпол равишда бузилган деб эътироф этилади. Ўз навбатида шун-дай ҳаракатларни амалга оширган мансабдор шахс ва фуқароларга нисбатан қонун даражасида жавоб-гарлик қўлланилади. Хулоса ўрнида айтидиган бўлсақ, Конституциявий суд томонидан қабул қилинган қарор адвокатларнинг жа-миятдаги мавқеини ошириш, фуқаро-ларга кўрсатиладиган ҳуқуқий ёр-дам сифатини яхшилашга хизмат қилади. Қолаверса, бу мамлақати-мизда шахснинг ҳуқуқ манфаатлари олий кадрлар эканлигининг амалдаги исботидир.

Садоқат САТТОВА, ҳуқуқшунос Алишер МУСАХОНОВ, адвокат

Huquqiy tarbiya

МЕРОС ГУВОҲНОМАСИ

у қандай олинади?

Кейинги пайтларда касбим тақозоси туфайли бир неча марта мерос масаласи юзасидан тортишув, судлашуларда қатнашишга тўғри келди. Ана шу жараёнда англадимки, ҳали кўпчилик фуқаролар бу борадаги қонун-қондаларни яхши билишмас экан. Шунинг учун ҳам мерос ва меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида ҳуқуқшунос Зухра МАҚСУДОВАга бир қатор саволлар билан мувожаат қилдим. Куйида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этамиз.

— Айтинг-чи, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномаларни бери-шининг қонуний тарти-би нималардан иборат? — Вафот этган шахс (мерос қолдирувчи)га тегишли бўлган мол-мулкнинг бошқа шахслар (меросхўрлар)га ўтиши ворислик ҳисобланади. Фуқаро ўзига тегишли бўлган хусусий мулкнинг тақдирини вафот этгандан сўнг хал қилувчи фармо-ийшни ўзи тириклигида қонунда белгиланган тар-тибда васиятнома билан расмийлаштиради.

Ворислик васият мавжуд бўлмаган ҳолларда қонун бўйича амалга оширилади. Қонун бўйича ворислар фа-қат фуқаролар бўлиб, васи-ят бўйича эса давлат ва жа-моат ташилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бош-қариш идоралари ва бошқа юридик шахслар ҳам бўли-ши мумкин.

унинг ҳиссаси очик қолди-рилади. Меросга бўлган ҳуқуқ ҳақидаги гувоҳнома мерос мулкнинг ҳаммасига ёки меросхўрларнинг хоҳишига кўра, уларнинг бир қисми-га берилиши мумкин. Мерос мулкнинг қолган қис-мига кейинчалик қўшимча гувоҳнома берилиши ҳам мумкин.

— Ушбу гувоҳномани олиш чоғида нотариусга қандай ҳужжатларни тақ-дим этиш талаб этилади? — Давлат нотариуси то-монидан қонун ва васият-нома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома бериш даврида талаб қилинадиган ҳужжат-лар куйидагилардан иборат:

- 1. Меросхўрларнинг аризалари. 2. Вафот этган шахснинг ўлим гувоҳномаси. 3. Меросхўрларнинг вафот этган шахс билан қариндошлик фактини тасдиқловчи ҳужжат, (ту-гиланлиги тўғрисида гу-воҳномаси, суднинг қарин-дошлик фактини тасдиқ-ловчи ҳал қилув қарори). 4. Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати-дан маълумотнома. 5. Яшаш жойидан маълумотнома. Меросни қабул қилиб олувчи фуқаро яшаш жойи-дан маълумотнома олиш даврида ушбу маълумотнома вафот этган фуқаро-нинг охириг яшаб турган ва вафот этган жойи аниқ кўрсатилиши шарт. Шунинг-дек, маълумотномани ола-диган шахсдан ташқари, ва-фот этган фуқаронинг бо-шқа меросхўрлари мавжуд-лиги ёки мавжуд эмаслиги ҳақида ҳам ҳужжат талаб қилинади.

— Мерос мулк давлатга васият қилинган бўлса, қонун бўйича меросхўрлар бўлмаган ёки улар мерос-дан воз кечган ёхуд мерос-ни қабул қилмаган тақдир-да, давлат эгаллигига ўтиши лозим бўлса, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган жойдаги молни идорасига берилади.

— Айтинг-чи, қандай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳ-нома бекор қилиниши мумкин? — Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома фа-қатгина суднинг қарори бил-лан бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас, деб топил-ши мумкин.

— Мерос гувоҳномаси-ни расмийлаштиришда давлат божи ундирилади-ми? — Мерос гувоҳномасини расмийлаштиришда бирин-чи навбатдаги меросхўрлар мерос мулкнинг умумий суммасидан 0,3 фоиз, ик-кинчи навбатдаги меросхўр-лар мерос мулкнинг умумий суммасидан 1 фоиз, қолган меросхўрлар эса ме-рос мулкнинг умумий сум-масидан 2 фоиз миқдорда давлат божи тўлайдилар. Бу тўловлар нотариус томони-дан ундирилади.

Кези келганда шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, қонун ва васиятнома бўйича ме-росга бўлган ҳуқуқ тўғриси-даги гувоҳномалар уй-жой-га берилса — кадастрдан, автомашинага берилса — ИИБ ТРИБДан рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Давлат нотариуси воёга етмаган ёки муомала лаё-қатига эга бўлмаган ме-росхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ҳақида турар жой бўйича уларнинг мулк ва манфа-атларини муҳозафа қилиш мақсадида ҳомийлик ва ва-сийлик идорасига хабар қилади ва бу ҳақда маълумотнома нусхаси мерос гувоҳномасига тикиб қуйи-лади.

Сизимиз аввалида таъ-кидлаб ўтганимиздек, ме-рос масаласидаги торти-шув, баҳс ва низолар фу-қаролик ишлари бўйича судларга кўриб чиқилади.

Меҳринисо ХУСАИНОВА суҳбатлашди



Гунчаларда баҳор нафаси

Асрий удумларга риоя этган, аждодларимизнинг вақт синовидан ўтган тажрибалари ва амалдаги қонунчилигимиз асосида қурилган оилалар ўз олдига учраган тўсиқларни осонлик билан енгиб, ақил-тотув турмуш тарзини таъминлайди. Бу борада, албатта, ёшлар ўртасида олиб бориладиган тарбиёт-ташвиқот ишларининг аҳамияти катта.

Каттақўрғон шаҳри бўйича ўтган 2005 йил 506 та никоҳ қайд этилди. ФХДЕ қошида фаолият кўрсатаётган «Оила дорилфунуни»да бўлажак келин-куёвларга оиланинг жамиятимизда тулган ўрни, фар-зандлар тарбияси, тиббий қўриқдан ўтишининг фойдалар жиҳатлари ҳақида батафсил тушунча берилади, эр-хотин-нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Маълумки, Оила кодексининг 17-моддаси-да турмуш қураётган йигит ва қизнинг тиббий қўриқдан ўтиши назарда тутилган. Бу, аслида, давлатимизнинг ёш-

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

ларга кўрсатаётган гамхўрли-гидир. Оила қуриш нијатида бўлган йигит-қизларни тиб-бий қўриқдан ўтказишдан мақсад келажак авлодин на-сдан наслга ўтувчи касал-ликлардан асраш, жисмоний нуқсонсиз фарзандлар дунё-га келишига замин яратиш-дан иборатдир. Албатта, соғлом туғилган

фарзанд — ота-онанинг бах-ти. Никоҳдан ўтиш тарраду-дида юрган ёшлар бунга ол-диндан тайёрлик қўриш-лари керак. Тиббий қўриқдан ўтказиш ёшларнинг рўзиги-ли билан ФХДЕ бўлимлари йўлланмаси асосида соғлиқ-ни сақлаш муассасаларида бепул амалга оширилади. Тиббий қўрик натижаларини

шифокор сир сақлайди. Ик-кинчи тарафга ҳам қўриқдан ўтган шахснинг рўзиги ли билан маълумот берилади.

Мазкур масалаларни биз никоҳдан ўтиш учун ариза берган ёшлар ўртасида, ўкув юртиларида, маҳаллаларда ўтказилаётган суҳбатлар, тад-бирлар чоғида ҳаётий мисол-лар билан тушунтириб бера-миз. Айниқса, никоҳни қайд этмай турмуш қурган ёшлар фарзанд туғилганидан кейин турли муаммоларга дуч кели-шавтгани, баълоғат ёшига ет-маган қизларни турмушга уз-атишининг оқибатлари ҳақида соғлиқни сақлаш муассасала-ри, ҳуқуқий муҳозафа қилиш идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тад-бирларимиз ўз самарасини бераётми.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш

Faoliyat

Керакки, ҳар бир оила жа-ми-ятнинг узвий бир бўғини ҳисобланади. Оилада камол топаётган фарзанд эса эрта-га ана шу жамият учун ке-ракли мутахассис бўлиб ети-лиши лозим. Ҳар томонлама етук мутахассис бўлиши учун эса инсон биринчи ўринда соғлом ва интеллектуал са-лоҳиятга эга бўлиши даркор. Оила қуришда тиббий қўриқ-дан ўтиш айнан туғилажак фарзандларнинг соғлом ва баркамол бўлишининг кафо-латидир.

Шахло ҚУЧҚОРОВА, Каттақўрғон шаҳар ФХДЕ бўлими мудариси Азим ҚОДИРОВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

XXI АСР НАФАСИ



воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

ИРОҚДА ЯНА ПОРТЛАШ ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, камикадэе ўзини портлатиб юборган. Айнан шу жойда Ироқ ҳарбий чакриву маркази жойлашган эди.

ЖАВОБ ЗАРБАСИ БЕРИЛДИ Ҳазо секторидagi Бейт-Ханун шаҳри кўчасида «Ал-Ақси жабрдийдаларгурухи» жангарилари кетаётган автомобилари Исроил

вертолётлари томонидан ўққа тутилди. Снарядлар мўлжалдан сал олисроқда портлаш натижасида бир нафар фаластинлик қурбон бўлди. «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг маълум қилишича, бир неча нафар киши оғир жароҳат олган. Исроил ҳарбийларининг айтишларича, Фаластин худудидagi бу операция Ашкелон шаҳрига жангарилар томонидан учирилган учта «Кас-сам» ракетага жавоб тарзида амалга оширилган.

ҚАМОҚХОНАДАГИ ТАРТИБСИЗЛИК Тбилиси шаҳрида жойлашган қамоқхона-

«АУМ СИНРИКЕ» РАҲБАРИ ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИЛДИ Токио олий суди «Аум Синрике» экстремистик сектасининг собиқ раҳбари Сиоко Асахарини ўлим жазосига ҳукм этди. У 1995 йилнинг март ойида Токио метросида заҳарли газ тарқатишга бошқош бўлган эди. Ушунда 27 нафар киши ҳаётдан кўз юмган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Асахарининг ҳимоячилари ушбу ҳукмдан норози бўлиб Япония Олий Судига шикоят ва протест қиритиш ҳуқуқига эга. Лекин экспертларнинг айтишича, энди ҳукми узғартириш ниҳоятда қийин.

Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади

Икки ҳафта бурун «Бухоро-Тошкент» йўналишида қатнайдиган автобусга ўтирдик. Каттақўрғондан Иштихон тумани ҳудудида давлат рақамидан Бухоро вилоятига тегишлилиги кўриниб турган бошқа бир автобус бизни қувиб ўтди. Шунда ҳайдовчининг орқасидаги ўриндаги ўтирган шерги «эзми бо!» дея ҳайқирди. Топширқ бажарилиди. Автобуснинг тезлиги кескин ошди. Шунинг кўнати-ётгандек олдиндаги автобус ҳам тезлигини оширди.

ХАВФЛИ «ПОЙГА»

Биз ўтирган автобус қувиб ўтиш учун «абгон»га чиқди. Олдиндагилар ўтказишмади. Шундан сўнг ҳайдов-чимиз рулни чап тарафга олиб, ўтиб кетишга уриниб кўрди. Бироқ қувиб келаётганларнинг мақсадини сезган олдиндагилар ҳам рулни чапга бую-ришди. Бу хол шу тарзда қайта-қай-та такрорланаверди. Қувиб хавфли тус олди. Ҳатто бири гал автобуси йўлининг чап томонига оғиб кетиши-га сал қолди. Автобусдаги йўловчилар сароси-мага тушди. Одамларнинг юзиди бир-он-бир кўнгилсизлик рўй бермас-миккин, деган хавотир пайдо бўлди. Саросимага тушган одамлар айниқ-са, хотин-халаж шовқин сола бош-лашди. Ҳайдовчидан сөкинроқ ҳай-дашни талаб қилишди. Шунда ҳай-довчилардан бири «шовқин қилман-лар» дегандай бир қўлини юқорига кўтарди. — Тошкентга бориш учун ҳар кун эрталаб Иштихонда йўловчилар кут-ти туради, — деди салондагилар-дан бири. — Ҳайдовчилар ўша йўло-вчилар учун талашшайланти.

Mulohaza uchun mavzu



Биз ўтирган автобус қувиб ўтиш учун «абгон»га чиқди. Олдиндагилар ўтказишмади. Шундан сўнг ҳайдов-чимиз рулни чап тарафга олиб, ўтиб кетишга уриниб кўрди. Бироқ қувиб келаётганларнинг мақсадини сезган олдиндагилар ҳам рулни чапга бую-ришди. Бу хол шу тарзда қайта-қай-та такрорланаверди. Қувиб хавфли тус олди. Ҳатто бири гал автобуси йўлининг чап томонига оғиб кетиши-га сал қолди. Автобусдаги йўловчилар сароси-мага тушди. Одамларнинг юзиди бир-он-бир кўнгилсизлик рўй бермас-миккин, деган хавотир пайдо бўлди. Саросимага тушган одамлар айниқ-са, хотин-халаж шовқин сола бош-лашди. Ҳайдовчидан сөкинроқ ҳай-дашни талаб қилишди. Шунда ҳай-довчилардан бири «шовқин қилман-лар» дегандай бир қўлини юқорига кўтарди. — Тошкентга бориш учун ҳар кун эрталаб Иштихонда йўловчилар кут-ти туради, — деди салондагилар-дан бири. — Ҳайдовчилар ўша йўло-вчилар учун талашшайланти.


Абдухамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» муҳбири

Оиладаги барқарорлик азадан жамият тараққиётининг муҳим омил бўлиб келади. Никоҳ эса, оила мустақамлигининг гаровидир. Уз навабатида, никоҳ шартномаси, ҳуқуқий ҳужжат сифатида никоҳнинг қонунийлигини таъминлайди. Бироқ бузғунчи кунда оила қўраётган ёшлар орасида никоҳ шартномасини тузишга хайрихоҳлар унчалик кўп эмас. Бунинг асосий сабабларидан бири, Оила кодексиди таъкидланганидек, никоҳ шартномасини тузишнинг ихтиёрлиги бўлса, иккинчи сабаби шартноманинг афзалликлари ҳақида аксарият ёшларимизнинг етарли даражада тушунчага эга эмаслиги билан изоҳланади.

никоҳ шартномасининг аҳамиятига юзаки қараб бўлмайди. Яқинда танишларимдан бири орау-умидлар билан келин туширди. Ота-онаси қизни энг сунги русумдаги уй жиҳозлари билан узатишди. Кўёв томон ҳам қараб тургани йўқ. Қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам, катта тўй қилди. Аммо тўйдан сўнг сепли келиннинг эпизодлиги аён бўлиб қолди. Анқроқ айтганда, келин рўзғор юмушларини

мол, оилани сақлаб қолиш ҳам мумкин бўларди. Никоҳ шартномасига мувофиқ, тўйда келинга берилмаган сеп, совга-салом ва ҳадялар унинг ҳусусий мулки ҳисобланади. Лекин кўпинча ажралиш пайтида кўёв томон ўзлари берган нарсаларни қайтаришни талаб қилади. Бу эса, никоҳ шартномасидан беҳабарлик оқибатидир. Шартноманинг яна бир афзал томони шундаки, у эр-хотин ўртасида юзага келадиган низолини судда қонуний ҳал қилинишда ёрдам беради. Бундан ташқари, шартнома эр-хотиннинг ўзаро моддий таъминотини ҳам тартибга солади.

Никоҳ шартномасини тузишда, агар эр-хотиндан бирининг муомала лаёқати чекланган бўлса, шартномани унинг номидан ҳоимийи тузади. Муомала лаёқатининг чекланиши никоҳ шартномасини тузишга таъсир ўтказиши ҳам мумкин. Оила кодексининг 30-моддасида "Никоҳ шартномаси ёзма шаклда тузилади ва нотариал тартибда тасдиқ-



Oila jamiyat tayanchi

Taqdir jumboqlari

XX асрнинг бошларида жаҳон адабиёт ихлосмандлари орасида инглиз адаби Роберт Л. Стивенсоннинг "Худкушлар клуби" (Худкушлик — ўз жонига қасд қилиш маъносини англатади) қиссаси катта шов-шўъга сабаб бўлган эди. Асарда ўз жонига қасд қилиш ниятида бўлган бир гуруҳ одамлар берилашиб, алоҳида клуб ташкил этгани ва улар ўз ишрини жонларига қасд қилишнинг минг бир усулини ўйлаб топишгани ҳақида фикр юритилади. Албатта, ўша пайтда бу асар жиддий баҳс-мунозарга сабаб бўлган. Баҳслашувчиларнинг маълум бир қисми ўқувчиларга "ушбу асар гирт уйдирма" эканини уқтиришга ҳаракат қилса, бошқа бир гуруҳ "асар ўзида Европа ҳаётида мавжуд бўлган реал ҳақиқатларни гавдалантиргани" ҳақида ёзишарди...

ХУДКУШЛИК БАЛОСИ

Нима бўлганда ҳам, ушбу асар ёзилди, чоп этилди ва ўз вақтида муаллифга обрў ҳамда каттагина маблағ олиб келди. Бироқ биз бу ўринда "Худкушлик клуби" қиссаси ҳақида сўз юритмоқчи эмасмиз. Аксинча, ҳаётда ана шундай клублар мавжудми ёки йўқми, деган саволга жавоб излаб кўрмоқчимиз.

Агар маълумотларга таяниб фикр юритадиган бўлсак, худкушлик, яъни ўз жонига қасд қилиш XX асрнинг биринчи ярмида АКШда авж олиб кетганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Тадқиқотчилар бунинг сабабларини турли омиллардан кидириб кўришган. Бир гуруҳ олимлар кишини ўз жонига қасд қилишига ҳаёт қийинчиликларини сабаб қилиб кўрсатса, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар бунга муҳаббат ва рашки баҳона қилади. Лекин турли мамлакатлар ҳуқуқ-тартибот идораларининг вакиллари эса бутунлай бошқа фикрда. Уларнинг таъкидлашларича, худкушликнинг ортида жиноят мавжуд. Ҳўш, уларнинг бундай ҳулосага келишларига сабаб нима?

Маълумки, муҳаббатдан куйган, рашк оловида жиз-анак бўлган киши бирор-бир клубга аъзо бўлиб, ундан кейин ўз жонига қасд қилмайди. Қолаверса, жонига қасд қилишдан аввал ўзига тегишли бойликларни бирор-бир клуб ёки шахсга васият қилиб ҳам қолдирмайди. Чунки кучли ҳаёндода бўлган одам бундай "майда-чуйда"лар ҳақида ўйлаб ўтирмайди.

Ўз жонига қасд қилганлар тақдири билан қизиққан ҳуқуқшунослар эса галати ҳодисага дуч келишади. Айрим ҳолларни истисно қилганда, бундай қилишга қўл урганларнинг аксариятини ўзига тўқ фуқаролар ташкил этар экан. Шунингдек, худкушлар ўзларига тегишли бойликларни ҳам қариндош-уруғлари, таниш-билишлари эга эмас, аксинча, қандайдир сирли клубларнинг фаолиятини ривожлантиришга сарфлашни васият қилиб қолдиришаркан. Табиийки, бу ерда қандайдир сир бордек туюлади. Шу боис ҳам тиниб-тинчимас изкуварлар ва ҳуқуқшунослар бу масалага жиддий эътибор қарата бошлади. Натижанда Роберт Л. Стивенсоннинг "Худкушлар клуби" асарига баён этган воқеаларни осмондан олмагами маълум бўлди.

Тадқиқотлар натижасига таяниб шунга айтиш мумкинки, XX асрда бундай клублар нафақат АКШ, балки Европа мамлакатларида ҳам кенг тарқалиб улгурган экан. Одатда, бундай клубларни бир ёки бир неча фирбарлар берилашиб ташкил этган. Клубларнинг Низом ва бошқа ҳужжатлари ўта пухталиқ билан ишлаб чиқилган. Шунингдек, ҳар бир клубда ҳуқуқшунос, нотариус ва руҳшунос-шифокор ҳамда руҳоний фаолият юритган. Улар клубга аъзоликка асосан бошига билан-бир ташвиш тушган, кўнгилчан ва ўзига тўқ одамларни танлашган. Фирбарлар шу даражада устамонлик билан ишлашганки, қонун ҳимоячилари уларни айблай олмаган. Бунинг учун улар клубга аъзо бўлган ҳам бир шахсни бир қатор синовлардан ўтказишган. Кейин руҳшунос-шифокор ва руҳоний уни ўз жонига қасд қилишга "тайёрлаган". Бунинг учун унга кейинги ҳаётда битмас-туганмас роҳат-фароғат ва жаннат ваъда қилишган. Нафақат ваъда қилишган, балки шунга тўғридан-тўғри ишонтиришган. Ўз жонига қасд қилаётган клуб аъзоси ўлганидан сўнг тўппа-тўғри жаннатга тушишига заррача шубҳаланмаган. Миқоз ўз жонига қасд қилишга тайёр бўлганда кейин эса ҳуқуқшунос ва нотариус ишга киришган. Улар мижознинг розилиги билан унга тегишли барча маблағлар ва мол-мулкни клубнинг ҳисобига расмийлаштириш-

СЕПЛИ КЕЛИН ЭПЛИ БЎЛСИН!

ёхуд

никоҳ шартномасининг афзаллиги ҳусусида

Оила кодексининг 29-моддасига кўра, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувни никоҳ шартномаси, деб ҳисобланади. Илгари қонунчилигимизда бундай қонунда йўқ эди. Хорижий давлатлар қонунчилиги меъёрларига мос тарзда Оила кодексига шундай янги ҳуқуқий институт киритилди. Қонунчилигимизга никоҳ шартномасининг

киритилиши мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотлар самарасидир.

Албатта, никоҳ шартномасини тузишда, аввало, никоҳланувчи томонлар қонуний никоҳда бўлиши талаб этилади. Бундан кўндал тўтилган мақсад — никоҳ бекор қилинган пайтда эр ва хотиннинг ҳар бирига тегишли мулкни аниқлаб олишдан иборатдир.

Албатта, икки ёш яхши ният билан турмуш қуради. Бироқ турмушда ҳар хил воқеалар рўй бериши мумкин. Шу маънода

эплай олмагани камдек, панд-насихатни қўлоққа олмас, йўл-йўриқ кўрсатилса, қовоғини уйиб оларди. Устига-устак бир гапга ўн гап қўшиб, ота-онасига етказишдан уялмасди. Охири-оқибат жанжал ажралишгача бориб етди. Ажралиш пайтида мол-мулкни бўлишда можаро келиб чиқди. Андишани унутган келиннинг ота-онаси кўёв томонни судга берди...

Келин-кўёв никоҳдан ўтаётганда никоҳ шартномаси тузишганда иш судга етиб бормас, энг асосийси, ўртадан уят-андиша кўтарилмасди. Эҳти-

ланиши лозим", деб белгиланган. Қонуннинг ушбу талабини бажармаслик шартноманинг ҳақиқий эмас, деб топилса сабаб бўлади.

Бугунги кунда никоҳ шартномасини тузиш фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти ривожланганидан далolat беради. Бундай оиланинг пойдевори мустақам бўлиши шубҳасиздир.

Нодира ЖАЛОЛОВА, ҳуқуқшунос

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қуйидаги қайд этилган шаҳар ва туманларда ўрни бўш бўлган давлат нотариуси лавозимлари учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

1. Ангрэн шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасида — 1 ўрин.
2. Ангрэн шаҳар 2-сонли давлат нотариал идорасида — 1 ўрин.
3. Куйичирчиқ туман давлат нотариал идорасида — 1 ўрин.
4. Юқоричирчиқ туман давлат нотариал идорасида — 1 ўрин.

қилишлари лозим. Танловда иштирок этиш истогини билдирган талабдор адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак: а) Малака комиссияси номига ариза б) Паспорт нусхаси в) Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш

ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимига иш бошлагани талабдорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма ж) Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Яккасарой туман, У.Носир кўчаси 93-уй. Телефон: 363-51-03, 363-51-04

ЭЪЛОН!

1. Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 10 августда Искандаров Собиржон Юсуповичга берилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ТS 000039-серияли лицензияси, шунингдек, 1997 йил 10 августда Қажумова

Азиза Саидисломовнага берилган нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ТS 000051-серияли лицензия адлия бошқармаси қошидаги малака комиссиясининг 2006 йилдаги 17 мартдаги 2/2006-сонли қарорига асосан бекор қилинди.

"Ўғри" ёки "ўғрилик" деган сўзларни эшитганда ҳар биримиз хушёр тортишимиз тайин. Бироқ "оч қорним — тинч қўлоғим" қабилида иш тутиб, баъзан қўриб-билиб туриб ҳам бундай қинғирликка ошқорак қаршилик кўрсатмаймиз. Бугун ён-атрофимизда ўғирлик содир этган кимса, эртага хонадонимизга бош суқизиши мумкинлигини унутиб қўямиз. Ўғирликнинг пайини қирқшига бош қўшмайиз. Лоқайдлигимиз эса оқибатсиз қолмайди — ўғирлар ўз қилмишларини эмин-эркин амалга оширишади. Қуйидаги воқеа ҳам бунга ҳаётий мисол.

Ўғирлар шийпон қоровули ичкарига кирганидан фойдаланиб, новвосни ўмариди ва тўғри ўша бозорга олиб бориб, аслида нархи 300.000 сўмлик молни бор-йўғи 95.000 сўмга пуллаб юборишди.

Шундан сўнг ҳамтовоклар уч ҳафтача "танафус" қилишади. Кейинги гал уларга янги шерик — шу маҳаллада яшовчи Соҳиб Ҳақимов ҳам қўшилиди. Тун яримадан оқанда Чуст шаҳрига етиб келган учқовлон "Наврўз" маҳалласида яшовчи

лаб, ўз маҳалладоши Роҳила опанинг ҳовлисига олиб келишди. Роҳила опа ёлғиз яшарди. Ўғирлар бузқоник ўғирлашганини хонадон соҳибасига билдирмай ташлаб кетишди.

Аммо ўғирларга бу ўлжалар арзимасдек туюлди. Шунинг учун улар, кейинги кунлар ичиде яна Ҳисорак қишлоқ фуқароси Самаджон Бобоҷонов ҳамда Шўртект қишлоғида яшовчи Ботир Мирзабековнинг молхонасига "ташриф бу-

Jinoyat va jazo

садимиз эл-юрт олдида юзи шувит бўлган кимсалар мисолида ён-атрофимиздагиларни хушёр бўлишга ундаш, холос.

Эътибор берган бўлсангиз, ўғирликда иштирок этган олти жиноятчи битта — Наманган туманидаги "Хонобод" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Курмак маҳалласида яшаган. Уларнинг 4 нафари — Отабек, Зокир, Тўйчибой ва Абдулхамид муқаддам судланиб, муқаддатидан илгари жазодан озод қилинган. Аммо оила аъзолари, қолаверса, қўни-қўшни, қариндош-уруғ, маҳалла фаоллари, профиллактика инспектори сингари ён-атрофдагиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги тўғрисида тагин жиноятга қўл уришган. Бу эса, ўша ҳудудда жиноятчиликка қарши курашиш кўнгилликдаги тек эмаслигини кўрсатиб турибди.

Донишмандлар фарзандни ота-онанинг кўзгудаги аксига қиёслашган. Бу беҳиз эмас, албатта. Ота-она ўз фарзандини ҳар қандай ҳолатда ҳам кеҳира олади, ҳатто оқлайди ҳам. Бироқ унинг юриш-туриши, ноўя ҳатти-ҳаракатларига гувоҳ бўлган биз — атрофдагилар нега бефарқлик қиламиз?.. Теварагимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан эътиборни йўқотмасак, тинч ва осуда турмушимизда ноҳушликка ўрин қолмайди. Ўйлаган, режалаштирган эзу ишларимиз кўнгилдагидек амалга ошарвади.

Азамат ИКРОМОВ, Илҳомжон ЭРГАШЕВ

Суд очерки

фуқаро Тожибой Маъруфалиевнинг ҳовлисини мўлжалга олишди. Яъни улар кўз очиб юмғунча деворни бузиб, босирма тағида турган бузқоник етаклаб чиқиди.

— Қаерда сотамиз? — қизиқиб сўради умрида биринчи бор ўғирликка қўл урган Соҳиб.

— Нега бунча ҳовликасан? Улкангни бос, огайни, — деди Соҳибнинг шошқалоклигиндан аччиқлиниб "сардор", — бунақада "қовун тушириб" қўясанку!

Шундан сўнг улар бузқоник Отабекнинг машинасига юк-

ЎҒРИТИНА БОЛАЛАР...

Ушанда сентябрнинг охири эди. Кўпдан буён мўмай пул топишни режалаштириб юрган Отабек маҳалладоши Зокирнинг қўнига қўл солиб кўрди:

— Бирон-бир чеккароқ қишлоққа бориб, у бу нарсани ўмараск, бизни ҳеч ким тополмайди. Нима дейсиз?

Ҳеч қаерда ишламай юргани боис чўнтаги ёлтириб пул кўрмаган Зокир ўйлаб-нейтиб ўтирмай унинг тақлифига рози бўлди. Шундан сўнг икковлон тун яримада Чуст туманининг Ҳисорак қишлоғига етиб келишди ва «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Улканбой Соатовнинг уйи томон юришди. "Меҳмон"лар ҳовлига орқа эшикдан киришганда кўрадаги қўйлар хуркиб, безовталана бошлади.

— Қўйлар семизгина экан, яхши пул бўлади, — деди Зокир.

— Овозингни ўчир, ҳозирдан нархини ўйлаб нима қилсан! — дея Отабек уни жеркиб берди.

Хуллас, улар икки бош қўйни ажратиб, қўрадан хай-

даб чиқиди.

Кейин тун қоронғусида шошиб-пишиб йўлга тушишди. Ўғирлар икки соат деганда қўйларни бозорга олиб келишди. "Ов"нинг бароридан келганини қарангки, ҳали бозорча кириб улгурмай харидор чиқиб қолди ва икки қўйни 115.000 сўмга сотиб олди. Отабек билан Зокир шу жойнинг ўзидеяк пулни "арра" қилишди.

Биринчи "юриш"лари ўнг келган ўғирлар эртаси кўни яна Чустага қараб йўл олишди. Бу гал улар Баймоқ қишлоғини мўлжалга олишди. Улар ширкат ҳўжалигининг дала шийпони ёнига боғлаб қўйилган новвосга кўз тикишди.

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССИСА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРАЛИГИ
2003 йил 29 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва
Аxbорот агентлигининг
078-рақам билан
рўйхатга олинган

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАҒОЕВ
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Пуллат САМАТОВ
Маъжуда РАҲАБОВА
Хуршида СОДИҚОВ
Сайфиёни РАҲИМОВ
Маъмур САТТОРОВ
Ислом ҲАМРО
Нормейли НОРПУЛЛОВ

Тахриратга юборилган қўлзма-лар ағзаларига хайратилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрисидаги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи:
Бобомурод РАЙИМОВ
Саҳифаловчи-дизайнер:
Фарҳод ХўЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахриратий компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 бошқа табоқ ҳақда, офсет усулида "Шарк" нашриёт-матбаа қўшмаҳкамасида босилди. Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўқон кўчаси 41-уй. Буюрт-ма Ғ-515. Тиражи — 4339. Босишга топшириш вақти — 21.00 Тошпириди —

МАНЗАЛИНИМIZ:
700047, Тошкент ш.
Сейитқоқ кўчаси-5.
Тел: 133-70-65,
133-84-50
1 2 3 4 5